



### Русия Туркистон бўсагасида

Туркистоннинг кичик ва мустакил турк давлатлари ўз теварагида кечаётганларни англаш ва шунга лойик тадбирлар кўришда ожиз бўлганликлари сабабли Осиёда етакчи давлат бўлиш имкониятини йўқотди. Шунинг учун Шарқда, Ўрта Осиё йўналишида руслар жонландилар.

Русия XVI асрда Туркистоннинг асосий ракиби бўлди, аммо Туркистон давлатлари буни фахмлай олмадилар.

Русия 1480 йилда турк-мўгул истибдодидан эндигина кутулган эди. Факат ўша замонларнинг ўлчовига кўра, Русия тадрижий равишда Туркистонга қарши юриш қила олишини ҳеч ким тасаввур ҳам қила олмасди. Турклар ерларини қўлга киритиш учун Москва шахзодалари турли режалар ҳозирлашар ва уни амалга ошириш учун фурсат пойлар эдилар. Осиёда йирик бир мустанлакачилик сиёсатини бошлашдан аввал Русия Оврўпада ўз мавқеини мустанлашга ҳаракат қилди.

Турклар 1453 йили Истанбулни (Константинополни) забт этгандан сўнг Москва раҳбарияти Византия императорлиги ерларини бўйсундириш умидида эдилар. Чунки бу даврда Оврўпада Византия императорлиги меросига ворислик қиладиган даражада қудратга эга бўлган бошқа давлат йўқ эди.

Шаркий Оврўпада Москва шахзодаларининг насронийликни исломдан ҳимоя қилиш гоёси тарқалган эди. Шу тарзда шахзода III Иван да Византия сўнгги қайсарининг жияни - София Палеологга уйланиш фикри пайдо бўлди. Никох 1473 йил бўлиб ўтди. Шундан

сўнг Венедик Сенати III Иван ни Византия императорлигининг конуний меросхўри деган қарор қабул қилди. Иван бу мерос ҳуқуқига биноан жуфт бургутни «рамз» сифатида ўзлаштирди. XVI асрнинг ўрталарида Москва «Москвадан 3-Римдир» деган фикр тарқатилди. Бу гоё рус сиёсатида етакчилик қила бошлади. Шундан бошлаб Москва шахзодалари шу шиор асосида ҳаракат қилдилар. Рус давлати раҳбариятининг Москвани 3-Римга тенглаштириш ҳаёли уларни салтанат васвасасига солди. Ўзларини усмонлиларга (туркларга) нисбатан заиф ҳис этган Русия «Византия» императорлигини шарқий ерларда, Ўрта Осиёда давом эттиришни режалаштирди.

Русиянинг татарлар босқинидан энди қутулиб, мустақил давлат ташкил қилган даврдаёқ рус ҳукумати эътиборни Шарққа қаратди (Романовский Д. И., Заметки, 13-6.). Русия IV Иван нинг ҳокимияти даврида 1437 йили Олтин Ўрдадан ажралиб, мустақил ислом-турк давлати бўлган Козон хонлигини 1552 йилда, 1466 йилдан эътиборан мустақил бўлган Астрахан хонлигини 1556 йилда босиб олди (Козон хонлиги ҳақида қаранг: R. R. Arat, IA, VI, 505 - 522-6).

Астрахан ҳақида ҳам қаранг: R. R. Arat, IA, 680 - 682-6.). Руслар Идил (Волга) ва Ёйик (Урал) дарёларига, бевосита Хазар (Каспий) денгизига туташдилар. Шундан кейин Русларнинг Шарққа тўғридан-тўғри юришлари давом этди. 1558-1582 йилларда Сибирия қўлга киритилди.

Бу истилочилик сиёсати билан Кучумхон (1563 йилдан бошлаб Сибирия хони бўлган Кучумхон бин Муртазо Шайбон ибн Жўжи. Ўрусиянинг Сибирия ичкарасига бостириб киришига қарши курашни ташкиллаштирди. Сибирия босиб олинган ҳам 1598 йилгача қаршилиқ ҳаракатини давом эттирди. 1601 йили ўлган. Вафотидан сўнг ўғли Али хон қилиб сайланди. Кучумхон ўрнига сайланган хонлар Сибирия ҳокимиятини қайтариб олиш-га уринган бўлсалар ҳам бунга эриша олмадилар. Кучумхон ҳақида атрофлича маълумот учун қаранг: R. R. Arat, IA, VI, 1071-1074-6.; Левшин, «Описание»нинг 49-бетига қўра Кучумхон Козоқуруғларининг бирига мансубдир.) идорасидаги жанубий Сибирия туркларининг мустақиллигига ҳам барҳам берилди.

Русия Туркистоннинг шимоли ва шимоли-ғарбида ўз мавқеини муштаҳкамлаш учун славян (Barthold, П, 870 саҳифа бўйича «слав» сўзи арабча сақалибадан олинган.) иркига мансуб бўлган казакларнинг (Славянлардаги «казак» сўзи туркийдаги «қачак» сўзидан келиб чиққанлиги ростдир. Бу сўзни рус тилида аслида изохдаб бўлмай-ди. У руслар славянча «казак» ва туркийча «қачак» сўзларини ҳам «козак» ёки «казак» деб ёзардилар. «Руслар икки миллий гуруҳни бир-биридан фарқлай олиш учун «козок» ўрнига «киргиз» сўзини, асл киргизлар учун «қора, киргиз» атамасини қўлладилар». Bartold, Zwolf Vorlesungen fiber die Yeschichte der Tiirken Mittelasiens, Berlin, 1935-6; Крафт, Законь!, I-2-б. Рус казакларини козоклардан фарқлаш учун козокларни аввал «киргиз козоклари», сўнг фақат «киргиз» деб номладилар. Ғарбий Оврўпо адабиётида рус казаклари «козак» деб қайд этилади.) эътиборини козонишга киришди. Казаклар рус қўшинлари ҳимоясида Ёйик дарёсининг ўнг қирғоғига жойлашгандилар. Улар бу ерларда Туркистонга қарши бошланган юришнинг қолибига айлана бошладилар. Казаклар хотинларини ўзлари билан олиб келмас эдилар. Шунинг учун мусулмон хотинларни олиб қочиш қундалиқ заруратга айланиб қолди. Бундай ёввойи босқинчиликларини эркин амалга ошира олишларга ишонар ҳам эдилар.

Казакларнинг йўлбошчиси Нечай 1602 йилда Урганчда пайдо бўлди ва шаҳарни талади. Хоразм хони Араб Мухаммад талончиларни таъқиб этиб, ҳаммасини асир олди ва қатл эттирди. 1604 йили казаклар Шамай бошчилигида Хивага юрдилар. Мақсадлари бу

шахарни ишгол этиш эди. Факат улар Хива кучлари томонидан оркага кайтарилди". Кўринадики, казаклар Сибирнинг Русия томонидан ишгол килинишида жуда катта роль ўйнаганлар. Рус ҳукмдорлари Туркистонни истило килиш йўлларини казаклар ёрдамида қўлга кирита олишларига ишонар эдилар. Шу мақсадда 1597 йилда Ёйик казакларини харбий нуктаи назардан етук холга келтирилди. 1775 йили Ёйик дарёсининг номи «Урал»га ўзгартирилди(Antagonismus, 1890, 29-6.) 100. Урал казаклари харбий бирликлари ва нихоят, XIX асрнинг ўрталаридан эътиборан киргизлар (козок турклари) ва Ўрта Осиё истилосида Русия фойдасига буюк хизматлар кўрсата бошладилар. Худди шундай Сибирь казаклари ҳам 1808 йилда марказлашган харбий маҳкамага бўйсундирилдилар. Русия аста-секинлик билан Туркистон ерларига кира бошлади. Русия тарафидан «Козон, Астрахан, Сибирь ва Ёйикнинг қўлга киритилиши Туркистонни унинг яқинига келтирди»(Седельников А. Н. ва бошқалар, Киргизский (Россия с. XVIII], Санкт-Петербург, 1904,154-6.). Аслида, руслар XVI асрдан бери катъий бир истилочилик режалари билан Туркистон дарвозалари олдида турар эди.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан